Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 25 июнь 1969 йил, чоршанба ● № 147 (14.310). ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

Ғўза қатор ораларини тобида культивация қилинг, экинни талабига қараб суғоринг, ривожланишдан орқада қолаётган ғўзаларни алоҳида парвариш қилинг!

ШИНАМ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРАЙЛИК

Карл Маркс, ҳаётнинг маъноси нимага, деган саволга нурашда, деб жавоб берган экан. Буюк файласуф ва улуғ революционер ишларининг вориси ва унинг орзу-умидларини рўёбга чиқарган Ленин партиясининг солдатлари, барча совет кишилари ҳам буюк бобоқалонимизнинг ана шу табаррук сўзларини такрорлаб, ҳаёт бу курашдир, коммунизм ғояларн учун жаҳонда энг адолатли жамият қуриш учун курашдир, деб фахр билан айтмоқдалар. Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистин партия раҳбарлигида коммунизмнинг моддий-техника базасини бунёд этмоқдалар. Беш йиллик режаларини муваффақиятли бажараётган ишчилар синфимиз, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари коммунистин қурилишда янги марраларни эгалламоқдалар. Халқимизнинг фаровонлиги мустаҳил ортиб бормоқда. Бу, жумладан, уй-жой қурилиши кўламининг тобора кенгайиб бораётганлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Совет Иттифоқидаги уй-жой қурилиши суръатлари билан жаҳондаги бирорта мамлакат ҳам тенглаша олмайди. Мамлакатимизда квартира ҳақи ҳам чет элларгаги нисбатан анчагина қилиб белгилан

«Совет Ўзбекистони» Ленинча лекторий

ЭКОНОМИКАГА ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК

С. УСМОНОВ,
Ўзбекистон КП Самарқанд область комитетининг биринчи секретари

КПСС XXIII съезди партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари ҳамда барча қишлоқ хўжалик ходимлари олдига ҳар бир гектар ердан, ҳар бир сўм капитал маблағдан, ҳар бир машина ва ҳар бир тонна минерал ўғитдан оқилона, тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш вазифасини қўйди.

Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида партия комитетларининг роли катта. Улар хўжалик жараёнларига партиявий таъсир методларини такомиллаштириб боришлари, қишлоқда иқтисодий ишларга партиявий раҳбарликни кучайтириш, уни қишлоқ коммунистлари ишининг таркибий, амалий қисмига айлантириш йўллари тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилишлари керак. Бу ишда В. И. Ленининг ҳисоб-китоб ва назоратни тўғри йўлга қўйиш, моддий рағбатлантиришни планлаштириш, мустаҳкамлаш, уни маънавий рағбатлантириш билан боғлаб олиб бориш, тўла хўжалик ҳисобини кенг авж олдириш, бошқарув ишига кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этиш, социалистик мусобақани ташкил этиш тўғрисидаги кўрсатмалари асосий ва ҳамма ишнинг негизини ташкил қилувчи принциплар ҳисобланади. Областимиздаги барча партия ташкилотлари бу масалага ўзларининг жонажон иши деб қарамоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми, партия XXIII съезди ва ундан кейинги Пленумларнинг қарорлари область коммунистларига бош йўналишни тўғри танлаш имконини берди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада оширишнинг учун мустаҳкам негиз яратди. Коммунистлар эришилган ютуқларга таяниб, партия белгилаб берган планларни амалга ошириш борасида муваффақиятли ишладилар. Биз партия қарорларига таяниб хўжаликларда ютуқларга эришишнинг барча таркибий қисмларига алоқадор асосий бўғинни аниқлаб олдик. Социалистик экономикада бу бўғин ҳисоб-китоб ва контролдир. Шунинг учун ҳам область партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг диққат-эътиборини кадрларда фақат таҳлиллар олиб боришга қизиқиш туғдириш эмас, балки рақамларга тушунган ҳолда хўжаликка ва меҳнат унумдорлигини оширишга раҳбарлик қилишни яхшилашнинг янги йўлларини ишлаб чиқиш учун интилиш уйғотишга қаратди.

Биз ҳисоб-китоб ва контролнинг бошида турган ҳисобот ходимларининг, экономистлар, агрономлар ва зоотехникларнинг зиммасига алоҳида масъулият юкланишини яхши тушуниб етдик. Уларнинг иш сифатига кўп нарса боғлиқ-дир. Ахир партия, совет ва хўжалик органларига кейинчалик иқтисодий анализ ва бошқа тадқиқотлар учун хизмат қиладиган дастлабки маълумотларни худди шу кишилар биринчи бўлиб тақдим этадилар. Бундай анализ энг биринчи навбатда маълум бир қатъий муддатда қилиниши лозим. Шу сабабдан, биринчи навбатда биз ҳисоб-китобнинг ўз вақтида юритилишига эътиборни жалб қилдик ва шунга эришдик ҳам. Кўпгина хўжаликларда ҳисобот ишларини чўзиб, кечиктириб юборишдек илгариги ҳолларга эндиликда барҳам берилган. Маълумки, бундай аҳвол бригадалар ва фермаларнинг тўрт-беш ойлаб плансиз ишлашига сабаб бўларди.

Булунғур районидаги «Партия XXII съезди» колхози тажрибасига таяниб, барча бригадаларда учта ҳисоб-китоб журнали жорий қилинди. Биринчи журналда бригаданинг ишлаб чиқариш харажатлари қайд қилинади; иккинчисида амалда бажарилган ишларнинг кундалик хомаки ҳисоб-китоби ва колхозчиларга берилиши лозим бўлган иш ҳақи миқдори қайд қилиб борилади. Учинчи журнал — бу бригаданинг ўзига хос технологик картаси, экин майдонларининг агротехник паспортидир. Агроном ва бригада бошлиғи унда экиш, ўсимликни парваришлаш, суғориш муддатларини ҳар гектар ерга солинган ўғит миқдорини қайд қилиб турадилар.

Бу журналларни жорий қилиш шундайгина бир юзаки иш бўлмади. Бу тадбир барча мутахассислари, ҳисобот ходимларини, хўжаликларнинг раҳбарларини ўз фаолиятларини чуқур таҳлил қилишга мажбур этди.

Бу ердан ташқари ҳисоб-китоб ишлари ва контролнинг яхши йўлга қўйилиши мутахассисларга партиявий раҳбарликни яхшилашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, биринчи журнални экономист олиб боради, иккинчисини бухгалтериянг оталиғида табелчи олиб боради, учинчисини эса агроном, агарда чорвачиликда бўлса—зоотехник, механизаторлар иши бўйича-инженер олиб боради. Шу йўсинда, буни дастлабки пайтларда мутахассислар истасалар ҳам, истамасалар ҳам, ҳисоб-китоб ишлари ва контролнинг бундай системаси колхозчиларни иқтисодий ишга жалб қила бошлади. Яна шу нарса муҳимки, бундай система партия ташкилотларига мутахассислар ишини назорат қилиш, назорат қилганда ҳам конкрет ва фаол назорат қилиш учун реал имкониятларни вужудга келтирди.

Бригадаларда ҳисоб-китоб журналларининг жорий қилинишига СССР Марказий статистика бошқармаси мутахассислари ижобий баҳо бердилар.

Биз ҳисоб-китоб ишларида ошкораликка берилиб кетмадикмикин, деган фикрлар ҳам бўлди. Аммо шу муносабат билан В. И. Ленининг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» деган мақоласидан олинган қуйидаги сўзларни эслатиб қўйиш ўринлидир: «Бу соҳада ошкорлик тартибининг жорий қилинишининг ўзиёқ, албатта, катта реформа бўлади ва халқ оммасининг кўпчилигини ҳаммадан кўра кўпроқ оммага керакли бўлган шу масалаларни ҳал қилишга мустақил суратда иштирок қилдиришга хизмат қилади» (Асарлар 27-том, 205-бет).

Юзаки қараганда, кичик бир нарсадан — ҳисоб-китоб ишларида тартиб ўрнатишдан бошланган тадбир жуда катта ўзгаришларга, энг аввало, экин майдонларида технологик интизомга риоя қилиш соҳасида катта ўзгаришларга олиб келди.

Минерал ўғитлардан самарали фойдаланишни таъминлади.

Область колхоз ва совхозлари ишининг иқтисодий анализи қишлоқ хўжалигида ҳали ҳам мавжуд бўлган баъзи камчилик ва нуқсонларни кўрсатди. Биз ҳосилдорликнинг ўртача рақамлари билан сира ҳам қаноатлана олмаймиз. Бу соҳаларнинг ҳар бирида мисли кўрилмаган даражада кўп миқдорда фойдаланилмаётган резервлар мавжудки, область партия ташкилоти уларни ишлаб чиқаришга хизмат қилдириши лозим.

Бир мисолни олиб кўрайлик. Область бўйича колхозларда ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик экин майдонидан ўртача 29,3 минг сўмлик ялпи маҳсулот етиштирилган бўлса, Нарпай районидаги Киров номли колхозда 94,4 минг сўмлик, шу райондаги «Октябрь» колхозида атиги 8,7 минг сўмлик, Каттақўрғон районидаги «Правда» колхозида 75,9 минг сўмлик, шу райондаги «Пролетарий» колхозида эса атиги 11,5 минг сўмлик ялпи маҳсулот етиштирилди.

Бу ва шунга ўхшаш камчиликлар партиявий ишимизнинг самарадорлигини анча камайтириб юборяётир. Бу шундан далолат берадики, бизнинг ташкилотчилик ва сиёсий ишларимиз даражаси ҳозирги замон талабларига ҳали тўла жавоб бермаётир. Партия ташкилотларининг вазифаси раҳбарликнинг иқтисодий методларини янада такомиллаштириш имкониятларидан тағин ҳам самаралироқ фойдаланишдан иборатир. Область партия ташкилотининг бирламчи ҳисоб-китоб ишларини тартибга солиш юзасидан фаолияти, меҳнаткашларнинг моддий даромадлари ўсиб бораётганлиги бошланғич партия ташкилотларининг колхозчилар орасидаги обрў-эътиборини оширишга юборганини яхши биламиз. Бундай бўлиши табиий. В. И. Ленин таъбири билан айтганда, омма фақат оқилона, амалий ишни, хўжалик ва маданий ишдаги амалий ютуқнигина тушунади ва баҳолайди.

Бундай баҳо кўплаб вазифалар юклайди. Бундай вазиятда иш оқибат натижада ривожланиб ва тобора чуқурлашиб бориши жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Резерв ҳам, база—ташкилий-партиявий, идеологик ишларни кучайтириш, меҳнаткашлар оммасини тарбиялашни кенг авж олдириш ҳам ана шуларга боғлиқдир.

Масалан, Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида бошланган янги ватанпарварлик ташаббуси — ленинча резервлар кўригини олиб кўрайлик. Узбекистон КП Марказий Комитети томонидан маъқулланган ва коммунистларнинг коллектив ижоди бўлган бу ташаббус партия ташкилотининг бир мақсадга йўналтирилган ва ўйлаб қилинган ижодий иши самарасидир. Унинг таъсирчанлиги ва ҳаётийлиги эса ошкорликни, натижаларнинг солиштирилишини ва тажрибаларнинг такроранувчанлигини таъминлаган тақдирдагина мусобақа муваффақиятли бўлиши тўғрисидаги ленинча кўрсатмададир.

Партия ва хўжалик раҳбарлари ленинча резервлар кўригини ҳақиқий баҳолай олдилар. Жумладан, Самарқанддаги «Красный двигатель» заводи коллективи Каттақўрғонда туғилган ташаббусни ривожлантира бориб, завод территориясига яқин жойлашган ерларни ободонлаштириш юзасидан мажбуриятлар қабул қилди. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир корхонада ленинча резервлар кўригининг янгиянги томонлари қидириб топилади. Муҳими, В. И. Ленин ўргатганидек, ҳар бир киши ишлаб чиқаришни бошқариш имконига эга бўлиши ва амалда ишлаб чиқаришни бошқариши лозим. Бундай иштирок этишнинг конкрет формаси — социалистик мусобақадир. Областимизда меҳнаткашларнинг бундай ҳаракати шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам кенг авж олмоқда.

Хўжаликка партиявий раҳбарликни яхшилаш учун ташкилий ишларни такомиллаштириш лозим. Бунда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш асосий йўл бўлиши керак. 1968 йилнинг июль ойида область партия комитетининг пленумида «КПСС XXIII съезди талабларига биноан раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан ишларнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари» тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Область партия комитети бюроси бу масалани пленум муҳокамасига давола қилиб, эътиборни кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга қаратиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни экономикасига раҳбарлик юзасидан олиб бораётган ишларимизни ҳаёт тақозо этаётган талаблар билан яна бир марта танқидий нуқтаи назардан таққослаб кўришга интилди. Пленум кадрларнинг сифат состави яхшиланганини, анча барқарор ва билимли бўлиб қолганини қайд қилди. Масалан, 1955 йилда олий маълумотли колхоз раислари барча колхоз раислларининг 2 процентнигина ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда барча колхоз раисларининг 40 процентдан кўпроғи олий маълумотлидир. Ҳозир областда бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг ҳаммаси ё олий маълумотли, ё тўлиқсиз олий маълумотга эгадир.

Бошланғич партия ташкилотларида ташкилий-партиявий ишларнинг кучайтирилиши, партия йиғилишларининг мунтазам равишда ўтказиб турилиши натижасида коллектив ижодкорлик, ташаббускорлик вазияти вужудга келди, коммунистларнинг топширилган иш учун масъуляти ошди.

В. И. Ленин партия ходими ишчанлигининг асоси энг аввало иқтисодий методларни кенг қўллана билишида эканлигини, хўжаликка фақат қуруқ сўзлар билан раҳбарлик қилиб бўлмаслигини уқтирган эди. Ильич кўпроқ иқтисодий иш қилиш кераклигини маслаҳат берган эди.

Ҳозирги шароитда амалда иқтисодий жиҳатдан асосланган тадбирларни қўлланиш хўжалик қурилиши масалаларини буйруқлар воситасида ҳал этишга сира ҳам йўл қўймайди. Областда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан ишларни ана шу ва бошқа талаблар асосида бажаришга ҳаракат қилдик.

Партия XXIII съезднинг қарорларида қайд қилинганидек, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги шароитлари ва вазифалари раҳбар кадрлар олдига янги талаблар қўяди, уларнинг зиммасига иқтисодий раҳбарлик методларини эгаллаш, расмиятчилик учунгина бошқаришга қарши кураш олиб бориш, бошқариш фанининг энг янги ютуқларидан фойдаланиш, замонавий ҳисоблаш техникасини қўлланиш, бошқарув аппаратининг қисқартирилишига эришиш вазифасини юклайди.

Съезднинг бу талаблари замирида кадрларнинг фаннинг энг янги ютуқларини эгаллаб олишлари юзасидан улар билан ишлаш даражасини оширишнинг бутун бир программаси ётибди. Бу соҳада ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина ишлар қилинган. Область партия комитети барча бўғиндаги кадрлар — бригадирлар ва цех партия ташкилотлари секретарлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, барча мутахассисларни тайёрлаш системасини ишлаб чиқди ва жорий этди.

Хўш, амалда буни қандай бажарямиз?

Ҳар бир районда иқтисодий семинарлар ишлаб турибди. Булар КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети қарорига биноан ташкил этилган махсус партия мактабларидан тамомман бошқа хилдаги семинарлардир. Областдаги барча районларда икки йиллик мактаблар ташкил этилган ва ишлаб турибди. Ленин меросини ўрганиш юзасидан ташкил этилган икки йиллик университетларда 1970 йилнинг апрелига қадар мўлжалланган программани ўрганиш тугалланай деб қолди. Уларда область партия комитетининг бюро аъзолари, бўлим мудирлари, область раҳбарлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий ходимлар лекциялар ўқимоқдалар.

Булардан ташқари область партия комитети район партия комитетлари секретарларининг ўқишини ҳам мунтазам равишда ўтказа бошлади. 1968 йили ана шундай биринчи семинар-кенгаш чақирилди. Учрашувдан анча олдин секретарлар машғулот тўғрисида огоҳлантириб қўйилди. Бир кун мобайнида барча 11 секретарь чиқиб гапирди. Машғулотдаги муҳит ҳар бир киши учун том маъноси билан айтганда университет ролини ўйнади.

Олга қараб ҳаракат қилиш ҳар бир соҳада ҳам илмий ёндошишни тақозо қилади. Партия комитети фаолиятининг самарадорлиги асосан ишлаб чиқаришдаги ютуқларга қараб белгиланади. Бироқ, ҳозирги кунда бу самарадорлик қандай йўллар билан — анча рационал йўл биланми ёки кўп меҳнат сарфлаш йўли биланми, эскириб қолган йўл биланми — қўлга киритилганлигини аниқлаш айниқса муҳимдир.

Область партия ташкилоти томонидан олиб борилаётган иқтисодий ишлар шуни кўрсатадики, бу соҳада ҳозирга қадар атиги дастлабки қадамлар қўйилди. Ҳали янада олга қараб қадам қўйиш керак. Омма орасида олиб бориладиган тушунтириш ишларини кучайтириш, партиямиз ва унинг ленинча Марказий Комитети томонидан ишлаб чиқилган йўлга амал қилиш бу соҳада эришилажак ютуқлар гаровидир.



Фарғона аёзот ўғитлари заводи коллективи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун нурашмоқда. Бу ердан ҳар ойда республикамиз колхозлари ва совхозларига минглаб тонна минерал ўғитлар юборилиб турибди. Корхонада планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш мусобақаси авж олиб кетди. Завод меҳнаткашлари барча имкониятларни ишга солиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Суратда: заводнинг энг илғор смена бошлиғи Муҳаммад Маҳмудов.

Г. БОЙКО фотоси (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИДА

БУХОРО («Совет Узбекистони» мухбири). Бухоро область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоевнинг область колхоз, совхозларида чорвачиликни янада ривожлантириш чоралари ҳамда область партия ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Музокараларда Ғиждувон, Томди, Когон район партия комитетларининг биринчи секретарлари М. Мироқов, С. Пирманов, Н. Сайдаҳмедов. Конимех районидаги «Коммунизм» совхозининг бош чўпони Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Мамбетов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, колхоз, совхозларнинг чорвачилик фермаларида ем-хашак тайёрлашнинг аҳволи, қўйхоналар, молхоналар қурилишини янада тезлатиш чоралари тўғрисида ўз мулоҳазаларини айтдилар.

Пленум қатнашчилари Свердлов район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Шароповнинг комсомолга партия раҳбарлигининг аҳволи ва бу раҳбарликни янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги докладини ҳам эшитди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Т. НАЗИРОВ.

●

НАМАНГАН («Совет Узбекистони» штатсиз мухбири). Узбекистон КП Наманган область комитетининг навбатдаги пленумида Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгаши якуни тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари А. Хўжаевнинг ахбороти тингланди. Пленум Кенгаш томонидан қабул қилинган Асосий ҳужжатни тўла маъқуллаб қарор қабул қилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала — область комсомол ташкилотида партия раҳбарлигини кучайтириш тўғрисида обкомнинг иккинчи секретари ўртоқ В. П. Куксенко доклад қилди. Доклад юзасидан бўлган музокараларда Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. Ҳусниддинов, Янгиқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Ж. Турсунқулов, Поп район партия комитетининг биринчи секретари Б. Рафиқалиев, Учқўрғон район партия комитетининг секретари С. Жўраев, область комсомол комитетининг биринчи секретари К. Жўраев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар. Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди.

А. МАДУМАРОВ.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲАЁТИДАН

ДЕҲҚОН АВЛОДИ

Тошкент қишлоқ хўжалик институти республикамиздаги йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Институтда сал кам 3000 студент таълим олмоқда. Булар республикамизнинг эртанги агрономлари, малакали мутахассислари бўлиб, улар қишлоқ хўжалик фанининг, экономикамизнинг янада олга силжишига муносиб ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

* * *

Маълумки, студентлик даври — ҳаёт йўлларини излаш йиллари ҳисобланади. Бу йиллар мулоҳаза ва ўй-фикрларга, воқеаларни иштиёқ билан идроклашга тўлиб-тошган бўлади. Студент ёшларнинг ҳавасмандлигини тўғри йўлга солиб юбориш, пухта билим бериш эса — уларнинг келажак тақдирларида муҳим роль ўйнаши ҳаммага маълум.

Кейинги йилларда, айниқса, пахтачилик кафедрасида намунали тадбирлар амалга оширилди. Аввал кафедрада ўқув-тарбия ишларининг ишлаб чиқариш билан алоқаси кўнгилдагидек эмас эди. Кўпинча студентларга фақат назарий билим бериш билангина чекланиб қолардик. Натижада олий маълумотли ёш мутахассислар бориб ишлаётган жойларида қийналишарди.

Шунинг учун ҳам институтимизнинг ўқув-тажриба хўжалигини кенгайтирдик. Ҳозир Ўрнонкидзе районида, Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз негизида янги тажриба хўжаликлари ташкил этилган. Чинакам тажриба тўплаш мактаби бўла оладиган бу хўжаликлар керакли техника ва асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган. Совхозда ташкил этилган студентлар трактор-далачилик бригадаси аъзолари ўқишдан ажралмаган ҳолда чигит экишдан тортиб, ғўза қатор ораларини ишлаш, суғориш ва етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ҳамма ишларни мустақил бажаришмоқда. Шуниси қувончлики, студентлар деҳқонлар кўтараётган хирмондан ҳам баракали ҳосил олмоқдалар. Масалан, ўтган йили студент Ҳабибулло Раҳматов бошлиқ бригада ҳар гектар ердан пландаги 17,5 центнер ўрнига 22,5 центнердан «оқ олтин» олди. Студентларимиз бу йил ҳам билим ва амалий меҳнатлари билан азамат пахтакорларимизга кўмак бермоқдалар.

Мева-сабзавот, ипакчилик, экономика-бухгалтерия ҳамда агрономия факультетларида ҳам ўқув-методик ишлар тубдан ўзгартирилди.

Кейинги йилларда институтда олиб борилаётган муҳим илмий-тадқиқот ишлари республикамизнинг кўпчилик хўжаликларида муваффақиятли қўлланилаяпти. Жумладан, институтнинг бир группа олимлари яратган пахтанинг ингичка толали янги нави яхши самаралар беряпти. Бу пахта нави Сурхондарё областидаги бир қатор хўжаликларда етиштирилмоқда. Профессор Н. Н. Балашов картошка етиштиришнинг янги агротехника усуллари устида ишлаб, жиддий муваффақиятга эришди.

Коммунизм қурувчи ёшларни тарбиялаш ва камолга етказишда институтнинг ижтимоий фан кафедралари самарали ишлямоқдалар. Бу кафедраларда студентларнинг илмий-назарий конференциялари ўтказиб турилибди. Айниқса, В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган конференция қизиқарли ўтди. Бу, студентларнинг ғоявий-сиёсий онгини ўстиришда ва фан асосларини чуқур эгаллашларида ёрдам бермоқда.

Биз малакали деҳқонлар авлодини тарбиялаётганимиз билан фахрланамиз. Режаларимиз янада катта. Ҳозир институт қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан яқин алоқада бўлиши учун Ялангоч қишлоғига кўчирилган. Қишлоқда студентлар шаҳарчаси бунёд этилмоқда. Қурилиш лойиҳаси бўйича институт ҳузурида бир нечта фан кабинетлари ва лабораториялари ташкил этилди. Технологик уруғларни саралашкаби лабораториялар эса тажриба ўтказувчи асосий базаларимиз бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси республикамиз хўжаликлари учун етук мутахассислар тайёрлашда катта омил бўлиб хизмат қилмоқда. Институтда 305 ўқитувчи, шу жумладан 17 профессор, 70 доцент ёшларга илм ўргатмоқда.

Институтимиз коллективи билимдон, омилкор, баркамол деҳқон авлодини тайёрлаш учун бундан буён ҳам баракали меҳнат қилади, билим ва тажрибасини ёш бўғинидан аямайди.

А. ИМОМАЛИЕВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ректори, профессор.

ПЕТРОГРАДДАН МОСКВАГА

◆В. И. ЛЕНИН ТАШАББУСИ ◆ ДУНЁДА БИРИНЧИ СОВЕТ ДАВЛАТИ ПОЙТАХТИНИНГ ПЕТРОГРАДДАН МОСКВАГА КЎЧИРИЛИШИ ◆ БУ ТАДБИРНИНГ БУТУН МАМЛАКАТ УЧУН АҲАМИЯТИ ◆ В. БОНЧ-БРУЕВИЧНИНГ ЭСДАЛИКЛАРИ.

Бу воқеа 1918 йилнинг 26 февралида бўлган эди. Халқ Комиссарлари Советининг ёпиқ мажлиси кетаётганди. В. И. Ленин Совет ҳукуматини Петрограддан Москвага кўчириш ҳақидаги масалани муҳокама қилишни таклиф этди.

Ҳукуматни Петроградда Москвага кўчириш учун анча сабаблар бор эди. Кайзерчи немис қўшинлари Псковни босиб олган. Петроград яқинида Балтика сувларида анча кучли флот тўпланган эди. Совет—Финляндия чегарасида ҳам нотинчлик ҳукм сурарди — бу ерда контрреволюциянинг катта кучлари жойлашган эди. Петроградга доимо ҳарбий ҳужум таҳдиди солиб турарди. Лекин энг муҳими партия ва Совет ҳокимиятининг марказий органларини мамлакатнинг энг муҳим районларига яқинлаштириш пойтахтни чекка ўлкаларга анча яқинлаштириш, улар билан алоқани яхшилаш, ички ва ташқи душманларга қарши меҳнаткашлар қурашига раҳбарликни енгиллаштириш зарур эди.

Ҳукуматнинг қадимий Москвани Совет давлатининг пойтахти деб эълон қилиш ҳақидаги қарори кейинчалик шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган Советларнинг IV Фавқулодда Бутунроссия съездида тасдиқланди.

Энди Москвага кўчиш керак эди. Лекин бу ишни амалга ошириш осон эмасди. Контрреволюцион элементлар большевикларнинг раҳбарлари изидан тушган эдилар. Янги пойтахтга партия ва ҳукуматнинг етакчи арбобларини олиб бораётган темир йўл состави ҳам революция душманлари учун жуда қулай нишон бўлиши мумкин эди.

Шунинг учун большевиклар жуда эҳтиёт бўлишлари, ҳатто душманни чалғитиш учун усталик қилишлари керак эди. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳамма нарса қатъияя маҳфий, шов-шувсиз бўлиши керак эди.

«Жўнашни ташкил этиш учун, — деб эслаган эди В. Д. Бонч-Бруевич кейинчалик, — мен ўзим белгилаган муддатдан ўн кун олдин, яъни 1918 йил 10 мартга қадар, — бу муддатдан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди, — революцияга содиқ коммунист ўртоқларимиздан бири бўлган, ўша вақтда Николаевск (ҳозир Октябрск) темир йўли комиссарини ҳузуримга чақирдим ва унга баъзи масъулиятли ўртоқлар Петрограддан кетиши кераклигини, улар Жанубга Москва орқали боришлари лозимлигини, тамомила яширин ҳолатда жўнатиш зарурлигини айтдим...

Бу ўртоқ мавжуд аҳволни муҳокама қилиб кўриб, менга Москва заставаси ортидаги Николаевск темир йўлига туташган қўшма йўлларнинг Цветочная майдончасини танлашни маслаҳат берди. Бу майдонча жуда ташландиқ аҳволда бўлиб, шаҳардан ташқарига қатнайдиган поездларнинг йўллари ўтадиган яланг жойда эди. Бу ерда секин-аста вагонларни тўплашга, кейин зарур бўлганда дарҳол уларни асосий йўлга чиқиб олгунча чиройсиз жўнатишга қарор қилдик. Машинистдан бошлаб бутун бригада аъзоларини жуда ишончли одамлардан танладик».

Лекин бу ишнинг бир қисми эди, холос. Ҳали душманлар бирон бир фитна тайёрлаётган-тайёрламаётганлигини жуда диққат билан кузатиб бориш керак эди. Ишчи коммунистлардан группа ташкил қилиниб, уларга Цветочная майдончасида нима бўлаётганлигини кузатиб туриш учун ўша ёққа юбордик. Сал бўлсада чатоқ аҳвол юз берса, дарҳол бизга хабар қилишни тайинладик. Лекин улар юборган хабарлар кўнгилни тинчитадиган эди — Ҳукуматнинг жўнаб кетишини ҳақиқатан ҳам ҳеч ким сезмаган эди.

Йўлда ҳукумат поездини қўриқлаш Смольнийда соқчилик қилган латиш ўқчилари отрядига юкланди. Революцияга содиқ бўлган жангчилардан 150 киши милтиқлар ва пулемётлар билан қуролланган ҳолда бу тарихий поездни кузатиб борди.

Жўнаб кетиш куни олдидан қўшимча чоралар кўрилди. 9 март куни Халқ Комиссарлари Советининг ишлар Бошқармаси ҳукумат поездида жўнаб кетадиган ҳамма ўртоқларга маҳфий мурожаат юборди.

Бундан ташқари яна бир жуда маҳфий тадбир кўрилди. «Известия»нинг 1918 йил 10 март якшанба сонида 1- бетда қуйидаги хабар эълон қилинди:

«Кўпдан-кўп мурожаатлар тушаётганлиги муносабати билан шу нарса эълон қилинадики, Халқ Комиссарлари Совети Москвага 11 март якшанба куни кечқурун жўнаб кетишга назарда тутмоқда». Бу хабар контрреволюционерларни узилкесил чалғитиб қўйди. Улар сўнгги минутларга қадар ҳеч нарсани билолмай қолдилар.

Аслида эса бундай бўлган эди: 10 март куни соат 12 да Цветочная майдончасида вагонларга юклар ортила бошлаб, кеч соат 6 да тугади. Тасдиқланган рўйхатга биноан ҳукумат поезди билан кетиши керак бўлган кишилар станцияга қош қорайганда келдилар. Владимир Ильич Смольнийдан 21 дан 30 минут ўтганда чиқди. «Биз, — деб ёзади Бонч-Бруевич, — яширин ҳолда ва тўсатдан, одатдаги ҳаракатнинг асосий магистралидан четда бўлган маршрутдан жўнаб кетдик ва бу ҳақда ҳеч кимга хабар бермадик».

11 март куни кечқурун революция душманлари Петроградниг Николаевск вокзалида большевиклар доноан ҳужисини ахтариб, ҳамма ёқда изтиб юрганда, Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги Совет ҳукумати Москвага етиб келган эди. Москва партия комитети ва Москва Советининг раҳбарлари шаҳар ишчилари ва барча меҳнаткашлари номидан Владимир Ильич Ленинни қизғин ва самимий кутиб олдилар ва табрикладилар.

А. БЕРЕЗИН.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Чехословакия Социалистик Республикаси машинасозлик саноати кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазмада «Стройимпорт» акционерлик жамияти экспонатлари — металлни қайта ишлаш техник хўжжатлар, аннотациялар ва станокларнинг иш жараёнлари акс эттирилган фотосуратлар бор. Кўргазмани тошкентлик мутахассислар катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Чехословакия станоклари техникавий жиҳатдан дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. У ерда ишлаб чиқарилаётган станокларнинг кўпчилиги жаҳон кўргазмаларида юқори баҳоланмоқда. «Стройимпорт» ташқи савдо акционерлик жамияти орқали сотиладиган энг яхши станокларни жаҳондаги 80 дан ортиқ мамлакат харид қилмоқда. Совет Иттифоқи ҳам ҳар йили Чехословакия станокларини кўплаб сотиб оляпти.

— Бундай кўргазма аввал Ленинград ва Киев шаҳарларида уюштирилган эди, — деб ҳикоя қилади «Стройимпорт» вакили инженер Владимир Елинск. — Шаҳрингизда бундай кўргазмани уюштиришдан мақсад совет мутахассисларининг станокларимиз хусусидаги саволларига жавоб бериш, уларда маҳсулотларимиз ҳақида тўлиқ тушунча ҳосил қилишдан иборат.

Буни конференция тариқасида, кўргазмали қуроллар ва ҳужжатли фильмлар ёрдамида амалга оширамиз. Бундан ташқари мутахассисларимиздан А. Зермик, Гилдебранд станокларнинг иши ва узеллари ҳақида суҳбатлар ўтказдилар.

Чехословакиялик станоксозлар навбатдаги кўргазмаларини Боку ва Ереван шаҳарларида ташкил этадилар.

Ш. ҚУРБОНОВ

СУРАТДА: Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозининг илғор сигир соғувчиларидан (чапдан) Д. Рўзумова, Х. Уроқова, З. Пейсенова ва И. Абдусатторовалар.

А. Тўраев фотоси.

«ОҚТОШ»да колхозлардаги болалар боғчаларида ишловчи тарбиячилар тайёрловчи бир йиллик курс очилган. Курсга колхозлардан 26 қиз жалб этилди. Улар асосан 10-синфни тугатган, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали ишлаётган комсомол-ёшлардир. Суратда: группада тахсил кўраётган бўлажак тарбиячилардан (чапдан) Калинин номли колхозидан А. Номозова, «Победа» колхозидан М. Собирова, Карл Маркс номли колхозидан С. Солиева, «Самарқанд» колхозидан Х. Ҳамроева ва «Октябрь» колхозидан М. Жўрақуловалар.

Р. Раҳимов фотоси.

ОЛИЖАНОБ ИНСОН

Ҳамза ҳақида хотиралар

Инсонга хос фазилатларни ўзида мужассамлашувига муяссар бўлган киши умрининг узун ёки қисқа бўлишидан қатъи назар бахтиёр бўлади. Бу фазилатлар — инсонга нисбатан меҳр ва оқибатли бўлиш, чин дўстлик ва дўстликда бегаразлик, ватанга муҳаббат ва садоқатли бўлиш, кишиларни катта-кичикка ажратмай тенг муомалада бўлиш, кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш, сўз устидан чиқиш, сўз билан амалий иш ўртасида тафовутга йўл қўймаслик, ахлоқлик, одоблик, хушмуомалалик бўлиш, камтарлик билан одамларга иззат-икром ва ҳурмат сақлаш, меҳнатни севиш ва интизомли бўлиш сингари кабидир. Биз инсон фазилатларини жамиятда энг кўзга ташланадиганларини, одамнинг етуклигини, ҳурматга сазовор даражага кўтарилганини тасвирловчи қисман фазилатларни шарҳлаб ўтдик. Ҳақиқатда эса инсон фазилатлари юқорида айтилганлар билан чекланмайди. Инсон фазилатларининг чегараси йўқ. Аммо, ўз ватанига, халқига ҳалоз ва холис хизмат қилиш, ватаннинг иқтисодий ва маданий ривожи учун ҳисса қўшиш, ҳимоя қилиш, одамларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, келажак авлод тарбияси учун ҳам маълум мерос барпо этиб қолдириш каби фазилатлар энг муҳимдир. Улар киши номини абадийлаштиради, улуғлайди.

Мен умримда мача шундай яхши фазилатли олижаноб кишиларни кўп кўрдим ва улардан тарбия олдим. Шулардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эди.

Халқимиз, Ҳамза сингари одамларни улуғлаб, «Зот бо боракот» дейди. Бу сўзнинг маъноси кенг ва чуқур. Бу ибора ўз халқига катта хизмат қилган, ўз билими, донишмандлиги билан танилган, кўпчиликнинг иззат-ҳурматига ўз меҳнати билан эришган кишиларга қиёс этилгандир.

Ҳамза Ҳакимзода худди шундай одам эди. Ўзбек Совет адабиётининг асосчиси, биринчи эпик драматургимиз, моҳир бастакор, оташин курашчи, меҳрибон тарбиячи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг серқирралиги, жўшқин фаолияти билан бизнинг авлодимизга, коммунизм қурувчилар учун беқиёс намунадир. Хусусан, Ҳамза акани кўрган ва билганлар, унинг тарбияси ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлганлар учун у ҳамиша олижаноблик тимсоли, улуғ Октябрнинг ўлмас куйчиси сифатида абадий барҳаётдир.

Мен Қўқонда ўсган болалик ва ўсмирлик чоғларимда улуғ ҳикмат эгаси Ҳамза Ҳакимзодани билганим, у билан суҳбатлашганим, маълум даражада унинг таржимасини олганим билан фахрланаман.

Ғўзали Фарғона водийсида маърифат марказларидан бири бўлган Қўқонда, дастлаб Ҳамза акани шеърий асарлари (чунончи: «Қизил гул» «Атир гул» ва бошқалар) ва «Ҳуррият» журналида босилган мақолаларини ўқир эканман, менга — 13 ёшли болага, қанчалик аввл, илқом ва илиқ умидлар бағишланганини гасвирлаш қийин. — Мен поччам Абдураззоқ Шарипов тарбиясига ўтганимдан кейин 1919 йилларда Ҳамза Ҳакимзоданн бевосита таниндим. У Шариповнинг энг яқин дўсти ва маслакдоши эди. Мен уларга хизмат қилардим ва суҳбатларидан баҳраманд бўлардим. Менга Ҳамза Ҳакимзода ўз ижодидек ширин ва самимий муомалада бўлиб ҳар хил хизматларга буюрар эди. Масол учун, 1920 йилда Ҳамза Ҳакимзода театр труппасининг аъзоларидан Мария Кузнецова бетоб бўлиб ётганда Ҳамза ака Марияднан хабар олиб туриш, унга сут-қатиқ етказиб бериш ва бозордан керакли харидларни қилиб беришни буюрар эди. Чунки Мария Кузнецова узи ёлғиз (Чернишевский кўчасида) турар эди.

1919—1920 йилларда Ҳамза Ҳакимзоданинг труппасида Абдураззоқ Шарипов, Усмонхон Ҳайдаров (ҳозир пенсионер, Тошкентда яшайди), Миршоҳид Мироқилов, Холбой Алиев, Нурмат Ҳожи Қориев, Исҳоқ Содиқий (ёзувчи, пенсионер, Фарғонада яшайди), Аъзамхон Ҳўжаев (пенсионер, Москвада яшайди), Мария Кузнецова ва бошқалар қатнашиб, бу труппа Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашда ва маърифат тарқатишда Фарғона водийсидагина эмас, ҳатто Закаспий фронтларида ҳам катта хизматлар қилган.

Яқинда, «Совет Ўзбекистони» газетасида, севикли шоиримиз ва менинг қадрдон дўстим Собир Абдулланинг «Устоз» деган сарлавҳали мақоласида Маҳмуджон Мирбаратов ҳақида ҳам эслатиб ўтилди. Бу одам менинг поччам Абдураззоқ Шариповнинг (ҳозир пенсионер, Қўқонда яшайди) акаси бўлиб, ака-укалар ҳовли қўшни эдилар. Маҳмуджон аканинг Ғиштқўприк ёнида, сой бўйида тушган икки қаватли бинода ҳужраси ҳам бор эди. Бу ҳужрада юқорида номлари эсга олинган дўстлар тўпланишар, Ҳамза асарларини ўқишар, муҳокама қилишар ва театр труппасининг навбатдаги ишлари ва режаларини белгилашар эди. Маҳмуджон ака ғоят мутолааси зўр, чуқур билимли, маориф парвар одам бўлган. Ҳамза Ҳакимзода ўз асарларини яратишда Маҳмуджон аканинг қимматли фикр ва мулоҳазаларидан фойдаланар эди. Кейинчалик 1926-27 йилларда эса улфатчилик, Ғала-боқ-полда, Мирҳамза қори Усмоновнинида бўларди. Бу даврда мен ҳам улғайиб ҳалфанада баравар қатнашадиган бўлиб қолгандим.

Ҳамза Ҳакимзоданинг ўз дўстлари билан муносабати ва унинг асарларида талқин этилган ғоялар, мулоҳазалар мени шундай фикрга олиб келдики, у амалий тарбиячини бениҳоят инсонпарвар ва кишига меҳрибон шахс деб биламан. Буни у амалда кўп исбот қилган эди. Киши билан муносабатда у катта-кичикка баббаравар камтарин ва самимий эди. У ҳар бир кишига муносиб муомалада бўлар эди, дутф ва мароҳаматлар қилар эди. Аҳеҳ-аҳёнда у билан шахмат ўйнар эдик. Мен кўпинча ютказар эдим. У менга насиҳат қилиб — «Аввал истеҳкомни мустаҳкамла, ўндан кейин ҳужум қил, бўлмаса ҳеч қачон рақиб устидан ғалаба қозонолмайсан» дер эди. Кейин, ўйлаб қарасам, унинг бу маслаҳати фақат шахмат ўйини устидагина бўлмай, мен учун жуда чуқур, ғоят кенг маъноли маслаҳат ва насиҳат экан.

Унинг кишига қанчалик ғамхўр ва меҳрибон эканини исбот этадиган бир воқеани мисол келтирай. Мен 1927 йилда қаттиқ касал бўлдим, безгак беҳад дохас қилгани учун ҳам ўринда ётиб қолган эдим. Бир куни Ҳамза Ҳакимзода менга кўргани келди. Ҳолаҳвол сўраб, қандай дорилар ичаётганим ва овқатланишимни аниқлади. (Маълумки Ҳамза Ҳакимзода ўз отасидан жуда кўп тиббий билимларни ўрганган табиб-ҳаким эди). Кейин, онамга мурожаат этиб қўй ёғида палов тайёрлашни топширди.

Ҳамза Ҳакимзоданинг халқ маърифати учун жонқуярлиги ва бу борада жўшқин сузлари ва ишлаши ёшлар учун катта тарбиявий аҳамиятга эга эди. 1926 йил бошларида Қўқонда хотин-қизлар озод лигига бағишланган жуда катта тантаналар бўлиб, улар уч кун давом этди. Минглаб хотин-қизлар паранжи ташлашиб, бу — эсилик ҳўрлик ниқоблари Чорсуда куйдирилди. Умумхалқ тантанаси бошланган куни кечқурун Ҳамза Ҳакимзода ташкил этган труппа ва Андижон театрининг артистлари томонидан хотин-қизлар озодлигига бағишланган темаларда ёзилган асарлар саҳнага қўйилди. Бунда труппа артистлари билан бирга мен ва Лутфихоним Саримсоқова иштирок этдик. Ҳамза Ҳакимзоданинг санъаткорлиги нақадар нучли эканлигини мен шу куни айниқса чуқур пайқадим. У саҳнада туриб ярим совет ичида бир қаҳвий шеър ёзиб труппа қатнашчиларидан бири бўлмиш Ҳўжахон Саидовга саҳнага чиқиб ўқиб беришни илтимос қилди. Маҳмуд Ҳўжахон ҳам кўп истеъдодли йигит эди. Саҳнада бир пардалик асар кўрсатилиб бўлгунча Саидов ҳалиги шеърни ёд қилиб олди ва чиқиб ўқиб берди. Шеър — гўё бир бой томоладан Москвада ўқиб турган ўғли Мирзавойнинг хатига жавобан ёзилган бўлиб, унинг бошланиши шундай эди: (хотирамда қолгани — дастлабки тўртлики келтираман):

«Э, хат ёзмай қўлинг синсин Мирзавой
Сен ўйлайсанки этмадир ҳали ҳам бой
Қани сен ўйлаган урди-олди замонлар
Бирнинг иккига ўтказиш учун кўнарган
Пахол чой билан бугдой...

Биз Ҳўжахон билан бу шеърни ёдлаб олиб кўп жойларда ўртоқлар ўртасида ўқиб бериб юрар эдик. Менинг ёдимда ҳозир фақат шу бошланиш мисоралар қолган. Бу нобоб кенг ўқувчиларга номаълум шеър муҳтарама опамиз, СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова хотирасида ҳам қисман сақлангандир, деб ўйлайман.

Ҳамза Ҳакимзоданинг баъзилар кўп қизиққон одам эди, дейишади. Дўстимиз Собир Абдулла бунга жавобан унинг қизиқ қонлиги муҳим вазифани оғир шароитда бажариш билан боғлиқ эди, дейди. Бу жуда тўғри мулоҳаза. Унда масъулият сезгиси кучли бўлиб, вазифани бажариш учун ҳормай-толмай курашолиб борувчи меҳнатсевар эдл. Ўн йилдан ортиқ чамаси унинг билан бевосита муносабатда бўлиб мен ҳеч қачон унинг ўринсиз ва сабабсиз даргазаб бўлганини кўрган эмасман. Лекин, ғазабланса у жисмоний куч ишлатишдан ҳам қайтмас эди. Менинг хотирамда бор, 1919 йилларда ўзининг «Фарғона фожиалари» асарларидан бирини саҳнада қўйиб турган пайтда Қўқон собиқ ҳокими Мединский иштирок этаётган экан. Асарда Қўқон ҳокимининг кирдикорларини фош этилаётганини кўриб ғазабланган Мединский Ҳамзага жазо бериш учун саҳна орқасидан ўғлини чиқаради. Бунн пайқаб қолган Ҳамза зинапоя тепасига етган Мединскийнинг ўғлини кўкрагига тепиб ағдариб ташлайди. Албатта, ўз ролини яхши бажармаган баъзи актёрлар ҳам парда орқасида Ҳамза шапологидан ҳаҳрум қолмаганлар. Агар буларни нотиқсо этсак. Ҳамза Ҳакимзода кишидан беасабаб ҳафа бўлмаган, аксинча, у ҳар доим кишиларга қўлидан келганича ёрдам берган ва мурувватлар қилган. У, айниқса, эҳҳи ва фаросатлик кишини ёқтирар эди.

Ҳамза Ҳакимзода ўзининг қисқа умри мобайнида фақат меҳнаткашлар оммаси маданияти, фаровонлиги ва тинчлиги учун курашди ва шу йўлда ўз жонини ҳам алмади. Хоразм Жўнайдонидан озод этилгандан кейин кўп йил ўтмай у Хоразмга бориб оз-мунча меҳнат қилмади. Кейинчалик, ўзининг худди ўтга ташлагандек, Шохимардонга бориб, у ерда, меҳнаткашларнинг қонларини сўриб ётган шайхлар сирларни ва кирдикорларни очиб, меҳнаткаш халқнинг тезроқ рўёбга чиқариш ва уларга билим бериб, маърифатдан баҳраманд қилиш учун курашаётган чоғда ёвуз душманлар қўлида ҳалок бўлди.

Мен газетхонларимизга қадрли Ҳамзамиз тўғрисидаги эсдаликларимдан бир қисмини қисқача ҳикоя қилдим. Меҳрибон ва инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган бу одамнинг ҳар бир куни, дақиқаси, ҳар бир фаолияти ўлмас намуна ва ибратдир. Пиқиқно, дутор, танбур ва бошқа асбобларни моҳирлик билан чалиб, уларда ижод қиладиган Ҳамза ўз бастакорлигидан кўпчилигинг мамнун бўлишига эришди. Куй, ғазал, мушоира, ширин суҳбат, шодлик ва ниҳоят кушлақчалик устаси Ҳамза инсонят учун, улуғ Октябрь иши, Ленин ғоялари тантанаси учун курашимизда ўзининг ўлмас ижоди, сиймоси билан доим мангудир.

Совет Социалистик Ўзбекистонимиз ўзининг содиқ фарзанди Ҳамза Ҳакимзодадан бевақт айрилди. Ундан авлод ҳам қолмади, ёлғиз ўғли Аббос Улуғ Ватан уруши ишларида қалоқ бўлди. Биз, Ҳамза Ҳакимзода тарбиясини олган шогирдлари, коммунизм қурилишининг алоҳида соҳаларида озми-кўпми ишлаб кучга ва ирода яраша ҳисса қўшиб келаётганлар барчамиз Ҳамза авлодимиз, деб фахрланиб юрамиз. Биз олимлар, шоирлар, бастакорлар, санъаткорлар Ҳамза изидан бориб, мамлакат иқтисоди ва маданиятини яна юқори босқичларга кўтариш, Усаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ва келажак авлод тарбияси йўлида фойдаланиш учун арзирли ёдгорликлар яратиш учун янада кўпроқ меҳнат қилмоғимиз керак.

Муҳаммаджон ҚОРИЕВ,
ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ИЗИДАН

ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ

1945 йил. Совет халқининг зафар байрамига саноқли кунлар қолган. Тошкентдаги ҳонадонлардан бирига почтальон уч бурчакли мактуб келтирди. Унда қуйидаги сўзлар битилган эди:

«Ассалому алайкум, меҳрибон онажоним! Жондан азиз, асалдан ширин укажонларим. Мен соғ-саломатман. Душманни изма-из қувмоқдамиз. Ҳозир Берлинга яқинлашиб қолдик. Тез кунларда дийдор кўришиб қолармиз...

Салом билан сизларни қучиб: **Юсуф Еқубов».**

Афсуски, унга ўз онаизори, ширин-шакар жигарларини кўриш насиб бўлмади. Уни кута-кута сочларига оқ оралаган меҳрибон онажони, тиқ этса эшикка боқиб, йўлида кўзлари нигорон бўлган укаларини гоҳдек қуксига боса олмади. Совет халқининг ғалаба кунларидаги қувонч ва шодликларига у шерик бўла олмади...

Юсуф Еқубов ким?

Немис-фашист босқинчилари мамлакатимизга бостириб кирган кезларда барча миллат фарзандлари қаторида ўзбек халқининг ҳам қўплаб ўғил-қизлари она-Ватаннинг шон-шарафи ва озодлиги учун муқаддас жангга отландилар. Ана шу ватанпарварлар сафида тошкентлик Юсуф Еқубов ҳам бор эди. Унинг Ватан уруши жанг майдонларида кўрсатган жасоратини ўзбек халқи фарзандларининг қарбий шавкат ва шуҳрати намунаси дейиш мумкин. «Жанговар чақириқ» фронт газетаси саҳифаларини варақласангиз, унинг 1945 йил 13 март сонида қуйидаги сатрлаони ўқийсиз.

«Еқубовнинг ниқоблаган танки уйнинг орқасида турарди. Душман унча узоқда эмас эди. Шу аснода душманнинг танклари пайдо бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам Еқубов ўз машинасини ниқоблаб, ўт очиш учун қулай маррани қидирди. У пастқам ерга ғушаверишни танлади. Еқубов у ерни механик-ҳайдовчи гвардия сержанти Сергей Богомоловни бошлаб бориб кўрсатди. Йўлда Еқубов Сергейга қандай йўл тутиш қулайлигини тушунтирди. Танк турган уй орқасидан пастликни кузатиш қийин эди. Еқубов ўқчи радист гвардия сержанти Гербешковни кузатувчиликка қўйди.

Тез орада Еқубовга пастликда немис танклари пайдо бўлганлигини хабар қилишди. Офицер Богомоловга олдиндан кўрсатилган ерга ўз машинасини олиб чиқишни буюрди. Сўнгги тайёргарлик тугагунда кеч бўлиб қолган эди. Қуюқ туман ер юзини қоплай бошлаган. Ана шу дақиқада туман пардаси орқасида фашист машиналари кўзга ташлана бошлади. Улар саф бўлиб келишардн.

— Ўнг томондаги танкка ўт очинглар! — буйруқ берди Еқубов.

Курол командири, гвардия сержанти Степанов ўт очди. Фашист танки ёниб кетди.

Қуюқ туман орасидан ғиралашира кўзга ташланиб турган душман танклари орқага чекина бошлади. Фашист танкларининг қаршн қужуми қайтарилди...»

Яна бир лавҳа. Сержант Гербешков немис танклари бошқа томондан келаётганини хабар қилди. Еқубов машинани уйнинг ёнига олиб боришни буюрди. Йўлда жангчилар пастликда иккита немис танкини кўриб қолишди. Еқубов экипажи улар билан жанга кирди. Немислар бизнинг тўғри ўт очишни ўрганиб турди. Фашист машинаси мажақланди. Иккинчи танкни Совет Иттифоқи Қаҳрамони Крайнов экипажи портлатди.

Немислар ҳар икки томондан ўз танклярини қарши қужумга ташладилар. Улар қар қадамда Еқубовнинг довюрак экипажи отаётган ўқларга дучор бўлдилар.

Бу Юсуф Еқубовнинг Ватан ва халқ озодлиги йўлида қилган жангларидан айрим лавҳалар, холос.

Уруш қурбонсиз бўлмайди. Юсуф Еқубов Берлинда, рейхстаг устида Ғалаба байроғи тикилгандан сўнг жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалоқ бўлди.

3 — май куни Юсуф Еқубовнинг онаси Ойша хола Файзиева шу ҳақда қора хат олди.

«Сизнинг ўғлингиз гвардиячи старший лейтенант Юсуф Еқубов соцқалистик Ватан учун бўлган жангда ўз қасамёдига содиқ ҳолда мардлик ва жасорат кўрсатиб, 1945 йил 2 май куни ҳалок бўлди. Унинг жасади Берлин шаҳрига қўйилди...»

Ҳозир Юсуф Еқубов ва унинг сафдошлари абадий уйқуда ётган жойда катта боғ бунёд этилган. Халқлар бахт-саодати учун жанг қилиб, ўз азиз жонларини фидо этган қаҳрамонларнинг номлари мармар тошларга ўйиб ёзилган. Мангулик рамзи, совет жангчиларининг қаҳрамонлиги тимсоли бўлиб гурган бу ёзувлар орасидэ гвардиячи старший сержант Ю. Еқубовнинг ҳам номи бор.

Мана, Улуғ Ватан уруши дахшатлари тинганига қарийб чорак аср бўлмоқда. Душман вайрон қилган шаҳар ва қишлоқлар ўрнида бунёдкор совет кишиларининг меҳнати билан янги кўркам шаҳарлар ва сўлим қишлоқлар барпо этилди. Кули кўкка совурилган ўрмонзорлэр ҳам ўзининг асл ҳусни-жамолини топди. Улар яшил ранг либоса бурканди. Она ер қиёфаси бутунлай ўзгарди.

Юсуф Еқубовнинг укалари ҳам ўсиб вояга етди. Унинг катта укаси Акмал акэ Тошкентдаги 5-ғишт заводи бошқармасида реализатор бўлиб ишламоқда. Кенжа укаси Анваржон эса шаҳар газ-монтаж бошқармэсида участка бошлиғи. Уртанча укаси Акбар ҳарбий хизматчи. У Германия Демократик Республикасида хизмат қилмоқда. Утган йили у Берлинга бориб, акаси Юсуф Еқубовнинг қэбрини зиёрат қилди.

Ватан ва халқ қаҳрамон ва мард ўғлонларини, содиқ фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Юсуф Еқубов каби қаҳрамонлар доимо сафимизда. Улар коммунизм қуриётган ижодкор совет халқининг бугунги ғолибона ишларида мангу яшайди.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

СУРАТЛАРДА: (чапда) Акбар Еқубов акаси Ю. Еқубов ва унинг қуролдошлари хотирасига Берлинда ўрнатилган мармар тахта енида. (Ўнгда) гвардиячи старший лейтенант Юсуф Еқубов.

АЖАБ САВДОЛАР

МОТ БЎЛИШДИ

Ҳазораспдаги ўсимликларни ҳимоя қилиш участкаси бошлиғи Т. Мусаев, бош бухгалтер М. Искандаров ва бошқа мансабдор кишиларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Улар азондан ярим кечагача колхозма-колхоз, заводма-завод юриб, ўзлари бошлиқ бўлган ташкилотнинг ишларини оғиз кўпиртириб мақташди. Тушунтириш ишларини шундай олиб боришдики, уларнинг «маъруза»сини тингланган кишида «қани энди, мен ҳам шундай ажойиб ташкилотда ишласам» деган ширин орзу-ҳавас уйғонарди.

Участка бошлиқларининг бу ширин сўзларига кимлар учиб, бу ерга ишга келганини билмаймизу, лекин райондаги 16 колхоз ва пахта заводи раҳбарларининг тантиллиги тутиб кетиб, 65,5 минг сўмликдан зиёд шартномага таваккал қилиб гажакдор имзоларини чекиб юборишди.

Шу-шу бўлдию, ишлар тақа-тақ тўхтаб қолди. Шартноманинг бажарилишини текшириш у ёқда турсин, тақдири нима бўлаётганини эса оладиган мард бўлмади. Лекин ўсимликларни ҳимоя қилиш участкасининг ходимлари қўлларини қовуштириб ўтиришди, десак инсофдан бўлмас. Улар иш ҳажми кўрсатилмай тузилган шартномаларни худди шахмат усулида амалга оширишга чунонам киришиб кетишдики, уларнинг бу соҳадаги фаолияти тилларда достон бўлди.

Бутун Ҳазораспга достон бўлган бу воқеанинг тафсилотини билишга ҳойна-ҳой қизиқарсиз? Мана, тингланг: Димитров номли, Ленин номли, «Октябрь» колхозларида қўл учида қилинган ишлар икки баравар ошириб кўрсатилди. Шунга қарамай, участкаларнинг бригада бошлиғи С. Каримовга «Ўзингиз ҳам, идорангиздагилар ҳам ишга ярамас инсофсиз экан» деб кўринг-чи! Еқангиздан тинкимизни ўққа тута бошладилар Еқубов механик-ҳайдовчига буюрди.

— Степанов икки марта ўт очгач, танкни 20—30 метр орқага тортинг.

Немис снарядлари Еқубовнинг машинаси ёнида портлар, механик-ҳайдовчи машинани бир жойда тўхтатиб турмаётгани туфайли унга ўқ тегмаётган эди. Степанов эса душман устига снаряд ёмғири ёғдирди. Еқубов тўпчиларга тўғри ўт очишни ўргатиб турди. Фашист машинаси мажақланди. Иккинчи танкни Совет Иттифоқи Қаҳрамони Крайнов экипажи портлатди.

Немислар ҳар икки томондан ўз танклэрини қарши қужумга ташладилар. Улар қар қадамда Еқубовнинг довюрак экипажи отаётган ўқларга дучор бўлдилар.

Бу Юсуф Еқубовнинг Ватан ва халқ озодлиги йўлида қилган жангларидан айрим лавҳалар, холос.

Уруш қурбонсиз бўлмайди. Юсуф Еқубов Берлинда, рейхстаг устида Ғалаба байроғи тикилгандан сўнг жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалоқ бўлди.

СПОРТ янгиликлари

ЁШЛАР спартакиадаси ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган спартакиадаси якунланди. Анъанавий спартакиада мусобақаларида қарийб 50 минга яқин ўқувчи йигит ва қизлар иштирок этди. Қизғин давом этган спорт кураши вақтида 39 киши биринчи разряд, мастерликка номзод, уч минг яқин ёшлар кичик разряд нормативларини бажардилар.

Кучликларнинг кучлиси ҳисобланган 2000 дан ошиқ ёш спортчилар Тошкентда давом этган финал олишувларида Бутуниттифоқ спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун интилдилар. Республика ўқувчиларининг XXI спартакиадаси ёшлар ўртасида маҳорат мактаби ролини ўтади, деса бўлади. Бу нарса, улар қўлга киритган натиналарда ҳам ўз аксини топди.

Спортчи қизларнинг мусобақаларда фаол иштироқ этишлари айниқса қувончлидр. Спорт гимнастикаси бўйича уч қиз-бухоролик Р. Давидова, чирчиқлик Л. Ижболдина ва наманганлик Т. Мирошниченколар СССР спорт мастери деган шарафли унвонга эга бўлишди. Шунингдек, ўн бир қиз биринчи разряд ва мастерликка номзоддик нормативларини муваффақиятли адо этди.

Мусобақада қатнашган ёшларнинг ҳаммасини ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Жумладан, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё ва Хоразм области командалари финалга жуда ўш тайёргарлик кўрганликлари сезилди. Андижон, Фарғона ҳамда самарқандлик вакиллар, фақат спортнинг айрим турларидангина оқсоб қолишди ва 6-12 ўринларни қўлга киритдилар. Умумкоманда ҳисобида бу йил ҳам тошкентлик спортчилар биринчиликни олишди. Уларга спортнинг 12 тури бўйича Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг кўчма совғини ва биринчи даражали дипломлари берилди. Стол тенниси, эркин кураш ва Бухоро командаси, шахмат бўйича Тошкент области командаси мукофотландм. Энди мусобақа ғолиблари июль ойида қардош армэнистон пойтахти Ереванда ўтказиладиган Бутуниттифоқ XI спартакиадасида республикамиз спорт шарафи учун курашадилар.

П. КОНОВАЛОВ.

ЯХШИ НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон касаба союзларининг анъанавий VI ёзги спартакиадаси якунланди. Баҳор ойларидан бошланган мусобақаларда 2160 га яқин қуйи физкультура ташкилотидан 450 мингдан зиёд киши иштирок этди. Учала босқич мусобақаларини муваффақиятли босиб ўтган 1400 дан ортиқ спортчи финал ўйинларига келишди.

Мусобақалар спортнинг 19 тури бўйича ўтказилди. Қизғин кураш, лар давомида 6 та янги республика рекорди ўрнатилди. 12 спортчи мастерликка номзод нормаси натижаларини қўлга киритди. Уч спортчи эса спорт мастери номига муяссар бўлди. Умумкомандалар бўйича 2274 очко тўплаган Тошкент.1 командаси биринчи, 1556 очколи Тошкент.2 командаси иккинчи ва 1090 очкога эга бўлган Фарғона область командаси учинчи ўринларни олишди.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

БИРЛИК ҒАЛАБАСИ

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Бутун дунёда коммунистик ва ишчи партияларнинг 5 июндан 17 июнгача Москвада бўлиб ўтган халқаро Кенгаши буюк тарихий воқеа деб шарҳланмоқда.

Миллионларча кишиларнинг фикри-зикри икки ҳафта мобайнида Ватанимизнинг пойтахтига қаратилган эди. 75 қардош партиянинг вакиллари империализмга қарши кураш ва барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракатларини бирлаштириш масалаларини муҳокама қилмоқ учун Москвага тўпланишди. Ана шу катта ва кўп қиррали ишнинг муваффақиятли тугалланганлиги халқларнинг умиди рўёбга чиққанлигини яққол кўрсатади.

Буржуа пропагандасининг кенгаш аҳамиятини пасайтириш ва уни «қуруқ гап сотиш», деб кўрсатиш йўлидаги беҳмаш уринишлари шармандаларча барбод бўлди. Кенгашни «қуруқ гап сотиш», деб тасвирлаган Австриянинг «Ди Пресс» газетаси ва Ғарбдаги бошқа буржуа газеталари шармандаи-шармисор бўлди. Чили компартияси делегациясининг бошлиги Луис Корвалан айтганидек, капиталистик матбуотнинг ҳар қандай фолларига қарамай, Кенгаш коммунистик ҳаракатнинг буюк тантанасидан далолат берди.

Маълумки, фактлар жуда қайсар бўлади, ҳаёт эса энг яхши устоздир. Ҳатто буржуа матбуоти ҳам даргазаб бўлиб, коммунистик ва ишчи партияларнинг кенгаши ғоят муҳим натижа беражагини тан олишга мажбур бўлди. Лондондаги консерваторларнинг «Дейли телеграф» газетаси Ғарбнинг «Жаҳон коммунизми куч-қудратини менсимаслиги хатарли бир ҳол бўлур эди», деб огоҳлантиради.

Франциянинг таъсири кучли «Монд» газетаси ҳали яқиндагина Москва кенгаши муваффақиятсизликка учрайди, деб таъна қилган эди. Бу газета ҳозир Кенгаш тарихий воқеа бўлди, деб ёмоқда. «Халқаро коммунистик ҳаракатда бирлик сари қудратли интилиш борлиги туфайли, деб қайд қилади газета. Совет Иттифоқининг халқаро майдонда зўр таъсир кўрсатаётганлигини исбот қилувчи бу Кенгашни ўтказиш мумкин бўлди».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Кремлда халқаро Кенгаш қатнашчилари шарафига ўтказилган қабул маросимида сўзлаган нутқида бу Кенгаш жаҳон коммунистик ҳаракати тарихида империализмга қарши ҳамжиҳат курашимиздаги, барча коммунистларни буюк умумий мақсадларимиз йўлида бирлаштириш ва жипслаштиришдаги энг муҳим воқеа бўлиб киради, деб ишонч билдирди.

Чет эллардаги коммунистик ва ишчилар матбуоти ана шу юксак баҳога якдиллик билан қўшилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жуда катта ҳисса қўшганлигини таъкидламоқдалар. Болгарияда чиқадиган «Кооперативно село» газетаси аввало «Коммунистик ва ишчи партияларнинг, хусусан КПССнинг қуват билан кўрган тайёргарлиги, коллективизми ва маркса-ленинча принципиаллиги» кенгашнинг муваффақиятли ўтишига ёрдам берди, деб ёзади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тенг ҳуқуқли партияларнинг биродир ва айни вақтда тенг ҳуқуқли барча партиялар орасида биринчи партиядир. Польша Бирлашган ишчи партияси делегациясининг бошлиги Владислав Гомулканинг ана шу ажойиб сўзлари шу кунларда бутун дунёдаги барча коммунистларнинг КПССдан ғоят миннатдор эканлигини жуда яққол ифода этади. Финляндияда чиқадиган «Кансан уутисет» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Халқаро коммунистик ҳаракат ҳозирги вақтда империализмга қарши фронтнинг ҳал қилувчи кучидир. Совет Иттифоқи бу ҳаракатда асосий роль ўйнамоқда. Шу сабабли барча маркечи-ленинчи партияларнинг Совет Иттифоқига бирдамлик ва халқаро бирлик туйғулари билан назар солаётганлиги тамомила тушунарли бир ҳолдир».

Кенгашда ўтказилган чуқур, принципиал, эркин мунозара бутун дунёдаги энг муҳим ва энг мураккаб масалаларни амалий муҳокама қилиш намунасини кўрсатди. Жаҳондаги бутун матбуотнинг эътироф қилиб ёзишича, бундай мунозара кенгашнинг муваффақиятли ўтишига ҳам, революцион назариянинг янада ривожлантирилишига ҳам ёрдам берди. Кўп делегациялар раҳбарларининг нутқларида марксизм-ленинизм таълимотини ер қуррасининг турли қисмларидаги вазият ва курашнинг ўзига хос шароитларига қараб қўлланиш тажрибаси акс эттирилди ва бу тажриба умумлаштирилди.

Кенгашда қабул қилинган ҳужжатлар, чунончи «ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги», «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тўғрисида» ги ҳужжатлар ва кенгашнинг бошқа ҳужжатлари барча мамлакатларнинг коммунистлари ҳамда меҳнаткашларига империалистик агрессия ва жабр-зулм билан курашда янги қурол беради. Бу ҳужжатлар бутун дунёдаги барча соф виждонли, прогрессив кучларга даъватдек жаранглаб эшитилди.

Бу даъват ер юзининг энг узоқ бурчакларигача, ҳатто, масалан, Африкада ҳали яқиндагина Бельгия мустамлака империясининг чекка ўлкаси бўлган Бурундига ҳам бориб етди. Бурунди матбуот департаментининг директори Исидор Рвамавуби шу гапларни айтди: «Жаҳон компартиялари мураккаб халқаро вазиятда қийинчиликлар бўлишига қарамай, ҳавас қилишга арзийдиган бирликни намойиш қилдилар. Компартиялар замонамизнинг энг муҳим масалаларини чуқур таҳлил этиб беришди».

Революцион шижоат кенгаш туфайли ҳамма жойда кучайиб бораётган бир шароитда Хитой раҳбарлари бутун жаҳон коммунистик ҳаракатига нисбатан ўтакетган душманлик йўлига ўтди. Болгария Коммунистик партияси делегациясининг бошлиги Тодор Живков ўз нутқида таъкидлаб ўтганидек, Хитой раҳбарлари Хитойни социалистик ҳамдўстликка, халқлар хавфсизлиги ишига очиқдан-очиқ душман кучга айлантириб юборди. Ҳозирги Хитой раҳбарларининг ҳуружлари, — деб уқтириб ўтди у, — империализмнинг халқлар озодлиги ишига қарши қилаётган ҳуружлари билан объектив суратда бирга қўшилиб кетмоқда.

Бошқа делегатлар ҳам Пекин раҳбарларининг бузғунчилик ишларига принципиал баҳо беришди.

Москва Кенгашининг ҳамма иши ва чет элларда бу Кенгашнинг якунларига берилган баҳо империалистлар ҳам, Хитойдаги сафбузарлар ҳам халқаро коммунистик ҳаракат сафларидаги бирдамликка зарба бера олмаганликларини жуда яққол кўрсатади. Бунинг аксича, бу ҳаракат ҳозир бутун дунё олдида ўз бирлиги ҳамда жипслигини намойиш қилмоқда.

Коммунистлар ва барча антиимпериалистик кучлар ҳали кучли, тажрибали ва маккор синфий душманга қарши оғир жанг қилишлари керак. Аммо улар марксизм-ленинизм улуғ байроғи остида ғалаба қозонишга қатъий бел боғлаганлар.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС.)

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ, Наумберг шаҳри (Галле округи)да В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилди.
АДН—ТАСС фотоси.

СУВАЙШ КАНАЛИ ЗОНАСИДАГИ АҲВОЛ

ҚОҲИРА, 23 июнь. (ТАСС). Миср махсус қўшинларининг бўлинмалари ўтган куни кечаси Сувайш каналидан унинг шарқий соҳилига икки марта ўтиб, Исроил патруллари билан жанг қилишди. Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг айтишича қараганда, каналнинг шарқ соҳилидаги мана шу жанглар вақтида Миср махсус қўшинларининг бўлинмалари душманнинг бир танкини ва икки транспортёрини яксон қилганлар, Исроилнинг бир неча солдатини ўлдирганлар ва жароҳатлантирганлар.

Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлигининг ахборотида яна шу нарса ҳам айтилдики, Исроил солдатларининг бир пиёда аскарлар ротасига тенг келадиган группаси ўтган куни кечаси Сувайш қўрфазидан ўтиб, Сувайш яқинидаги Адабия портининг жанубида Миср-нинг контрабандистлар билан кураш постига ҳужум қилди. 30 минут давом этган жанг вақтида Миср соҳилини мухофаза қилувчилардан 5 киши ўлдирилди ва 7 киши жароҳатлантирилди. Исроилликлардан эса 4 киши ўлдирилди ва 7 киши жароҳатланди.

СЕНЕГАЛДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

ДАКАР, 23 июнь. (ТАСС). Президент Л. С. Сенгорнинг декретига биноан бугун Сенегалда фавқулодда ҳолат бекор қилинди. Сенегал меҳнаткашлари миллий союзи 48 соатлик ялпи забастовкага даъват қилганидан сўнг шу йил 11 июнда фавқулодда ҳолат жорий қилинган эди. Фавқулодда ҳолат жорий этилиши натижасида забастовка ўтказилмади.

ВЬЕТНАМНИНГ ДЎСТ ВА ДУШМАНЛАРИ

Жанубий Вьетнам Республикасининг эълон қилиниши ва Муваққат революцион ҳукуматнинг тузилиши ҳақидаги хабар барча мамлакатлар ва ҳалқларга яшин теллигидай таққалди. Прогрессив жамоатчилик Жанубий Вьетнам халқининг чинакам вакили бўлган янги ҳукумат тузилганлиги ҳақидаги хушхабарни миллий озодлик ҳаракатининг қонуний натижаси деб қабул қилдилар. Озодлик қуролли кучларининг жангговар операциялари, кўпгина ҳукумат ҳамда интервентлардан тозаланган территориялларда халқ революцион ҳокимияти органлари тузилганлиги, Париждаги музокараларда Миллий Озодлик фронти вакилларининг фаол қатнашаётганлиги ҳамда бу Миллий фронтнинг халқаро обрўйи кун сайин ошаётганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси янги ҳукумат тузилишига асос бўлди.

Илгари хабар қилинганидек, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик фронтининг Москвадаги доимий вакилатхонаси бошлиғи Данг Куанг Минни қабул қилиб, Совет ҳукумати Жанубий Вьетнам Муваққат революцион ҳукуматини таниганлигини маълум қилди. Ҳозиргача 20 га яқин давлат бу ҳукуматни танди. Улар орасида Польша, Германия Демократик Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Югославия, Венгрия, Болгария, Румыния, Куба, Корея Халқ Демократик Республикаси, Жазоир, Сурия, Конго (Браззавиль), Жанубий Яман Халқ Республикаси, Камбоджа ва бошқа давлатлар бор.

Жанубий Вьетнам Муваққат революцион ҳукумати олиб бораётган сиёсат шу мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Ҳукумат эълон қилган ҳаракат программасида таъкидланганидек, Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик фронти вакилларининг Парижда 8 майда эълон қилган 10-моддадан иборат таклиф ва тавсияларини амалга ошириш, яъни Вьетнам проблемасини чинакам мустақилликка эришиш ва тинч йўл билан ҳал этиш учун кураш олиб бораверади. Революцион ҳукумат бошқа давлатларнинг ҳарбий блокига қўшилмаслик, ўз мамлакати территориясида бошқаларнинг ҳарбий базалари, қўшинлари бўлишига сира йўл қўймайди, деб баёнот берди.

Муваққат ҳукуматнинг самаали ҳаракат программаси Сайгон ва Вашингтон амалдорларини талвасага солиб қўйди. Сайгон маъмуриятининг вакиллари Муваққат революцион ҳукумат тузилиши билан боғлиқ равишда воқеаларнинг сиёсий аҳамиятини камситишга уриниб, кетма-кет баёнотлар чиқармоқда. Айниқса, Революцион ҳукуматни Жанубий Вьетнамдаги ялпи-хил жамоат ташкилотлари қўллаб-қувватлаётганлиги Сайгонни ташвиштирмоқда. Шунинг учун ҳам «президент» Нгуен Ван Тхиеу телевидение орқали сўзга чиқиб, янги ҳукуматга қайрихоҳлик билдирган ҳамма жамоат арбоблари ва ташкилотларга очиқдан-очиқ дўқ қилди. Сайгон маъмурлари шунчаки бир оддий йиғинни ҳам Муваққат ҳукуматга қўрқитилаётган қайрихоҳлик, деб қарамоқда.

Жанубий Вьетнам Муваққат революцион ҳукуматининг тузилиши АҚШдаги ревкцион доираларни ҳам қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Улар гўё бу воқеа «Париждаги музокараларда бирор натижага эришиш умидини» пасайтиради деб, жамоатчиликни қўрқитмоқдалар. Ахир, Революцион ҳукумат ўз программасида музокараларда қатнашажагини эълон қилди-ку!

АҚШнинг агрессия доиралари елгон-яшиқ сўзлар билан Америка халқини ҳам, жаҳон жамоатчилигини ҳам чалғитолмайди. Муваққат революцион ҳукумат тузилганлиги муносабати билан Америка матбуотида Вашингтоннинг Вьетнамдаги сиёсатини танқид қилувчи мақолалар кўпайиб қолди. «Вьетнамдаги урушга сарфланаётган маблағлар халқ маорифига сарфланаётган маблағлардан 10 баравар, уй-жой қурилиши ва шаҳарларни ривожлантиришга қилинаётган ҳаражатлардан 33 баравар кўпайиб кетди», деб айтди тарих профессори Жеймс Л. Клейтон.

АҚШ ўз агрессияси билан социализмнинг Осиёдаги қалъаларидан бирини тор-мор қилиб, бу билан Ҳинди-Хитой халқларининг тинчлик, озодлик ва мустақиллик учун кураши йўлига гов солмоқчи, социалистик мамлакатлар бирдамлигининг кучини синаб кўрмоқчи эди. Лекин Вьетнам тажрибаси агрессорларнинг ҳамма умидларини пучга чиқарди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар кучлар Вьетнамни бутун чора-лар билан қўллаб-қувватлаётганлиги империализмга қарши курашда халқларнинг жипслигини намойиш қилиб берди.

М. ИЛЬИНСКИЙ.
(АПН).

МЎМИН РОЗУМБЕТОВ

Қорақалпоғистон «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси Мўмин Розумбетов фожиали ҳалок бўлди.

М. Р. Розумбетов 1932 йилда Тўрткўл районида туғилди. Бу ерда ўрта мактабни тамомлади. 1954 йилда эса Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатди.

1954 йилдан бошлаб Мўмин Розумбетович механик, бош инженер, 2. Тўрткўл МТСи ва Тўрткўл РТСи директори бўлиб ишлай бошлади. 1961 йилда уни Тўрткўл район ижроия комитети раислигига сайлашади, 1963 йилдан эса Тўрткўл район қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи қилиб тайинланади. 1966 йил июлидан М. Розумбетов Қорақалпоғистон «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси бўлиб ишлади.

М. Р. Розумбетов ўзининг кобилиятли раҳбар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини яхши биладиган, эпчил ташкилотчи эканлигини кўрсатди. У жамоат, партия ҳаётида фаол қатнашди, бир неча бор партия ва совет органлари составига сайланди, VI чақириқ Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати эди, «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланганди.

Ажойиб коммунист, сезгир ва яхши инсон Мўмин Розумбетовнинг порлоқ хотираси қалбимизда узоқ вақт сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

8.25—Дўстлик қўшиқлари, 9.30—С. Юдаков. Квартет учун сюита, 9.50 — Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун эшиттириш (тожикча), 11.15 — «В. И. Ленининг «Буюк почин» классик асари» (суҳбат), 11.30 — Завкий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар, 13.30—Эстрада концерти (русча), 15.15 — «Бу ерда денгиз барпо этилади», 15.30 — Қўшиқ ва романслар, 16.10 — Ўзбекистонда Монголия халқ республикаси кунлари, 16.50—«Правда» газетасининг обзори, 18.00—«Снёсий ахборотчилар» (русча), 18.10—Ватанпарварлик қўшиқлари, 18.40 — Спорт (русча), 19.20 — Қозоқ куйлари, 20.00 — «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали, 20.30 — Концерт, 21.00 —Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Концерт, 22.20 — Тожик куйлари, 22.40 — «Шеърият кечаси», 23.15—Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатувлар программаси, 18.35 — Телелянгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.45 — Ленин кутубхонаси. 19.00 — «Созимда севги васфи» (Концерт). 19.40 — Телелянгиликлар, 19.55 — Кўрсатувлар программаси.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 18.30— Кўрсатувлар программаси. 18.35—«Бумтар қирғи» (Қўғирчоқ фильм) 19.10 — Ленинча меҳнат вахтасида.

Ўзбек тилида: 19.30 — «СЕВГИ ТУМОРИ». Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида «Врач маслаҳати» ва «Реклама». Балетдан сўнг рус тилида «Турли тақдир» бадиий фильми.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 «Варшавадаги учрашув» (Ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 21.00 — П. Мериэ «Муқаддас совғалар файтуни» (Телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 25/VI да Севги тумори.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/VI да Замон драмаси.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Героин — «ЧАЙКА», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз соат 1.20, 5 ва кеч 7 да), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, 5.30 ва кеч 9.15 минутда).

Учрашув манзили—Женева — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9 да).

Тонгдаги учрашувлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 2.30, 4 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Таниш-билишларимиз — «МОСКВА» (эрталаб 11.40, кундуз 3, кеч 9 да).

Дўппи кийган фаришта — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11.30, кундуз соат 1.15 ва кеч 7 яримда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади)

Героин — «ФЕСТИВАЛЬ».

Рошфорнинг қизлари — «ХИВА».

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУРАР-ЖОЙ БОШҚАРМАСИГА

катта ревизор, ревизор, бухгалтер, кассир, инженерлар: техник нормалаш, иссиқлик техникаси бўйича; меҳнат бўйича катта иқтисодчи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 6 уй, 82 хона

ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ

САНЪАТ САРОЙИДА

27 ИЮНДА

янги бадиий фильм

«ТОНГ»

ПРЕМЬЕРА

«МОНГОЛКИНО» киностудиясининг маҳсулоти.

Фильмда 1921 йилда СУХЭ-Батор бошчилигидаги халқ революцияси В. И. Ленин билан учрашуви ва суҳбати, шунингдек СССР ва Монголия халқ республикаси ўртасида дўстлик алоқаси ўрнатиш ҳақидаги шартнома тузилиши ёритилган.

РОЛЛАРДА:

В. И. Ленин — Ю. КАЮРОВ (СССР), Сухэ-Батор—Ц. ДАШНАМЖИЛ (МХР).

Фильм диктор таржимасида кўрсатилади, кундуз соат 5 да — фильм яратувчилари билан учрашув.

Сеанслар кеч соат 7 ярим ва 9 примда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 4-20-34, 4-21-74.

ОГАҲИЙ НОМЛИ ХОРАЗМ ОБЛАСТИ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ ЕЗГИ БИНОСИДА НАМОЙИШ ҚИЛАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

25 июнда — ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ.

26 июнда — КАТТА КОНЦЕРТ.

27 июнда — ҚАЙНОНА.

28 июнда — ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ.

29 июнда — ҚИЗБУЛОҚ.

30 июнда — ҒУРБАТДА ҒАРИБ — МАҲТУМҚУЛИ.

Томошалар кеч соат 8 ярим-да бошланади.

Касса кундуз соат 12 дан ишлайди.

Билетлар сотилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

академиянинг фалсафа кафедрасида ишлаш учун вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра доцентлари, катта ўқитувчилар ва ўқитувчилар.

Конкурсда фалсафа фанлари доктори ва фалсафа фанлари кандидати илмий даражалари бор бўлганлар, олий маълумотли ва фалсафадан таълим бўйича иш тажрибасига эга бўлганлар қатнаша оладилар.

Ариза лар: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70 уй (телефон № 3-3-59-46)га юборилсин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР 1969 ЙИЛГИ «ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ УЧИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

28, 29 ИЮНДА

ДЕНОВ ШАҲРИДА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда лотереянинг ҳамма беш разрядига 478750 та пул-буюм ютуқлари ўйналади, шу жумладан: 20 та «Волга», «Москвич-412» «Запорожец-966» автомобиллари, мотоциклар, телевизорлар, гиламлар ва бошқа пул буюмлари, ҳамда 1000, 500, 300, 200, 100, 50, 25 ва 10 сўмлик пул ютуқлари бор.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

ТАЛЛИН ШАҲРИДА

30 ИЮНДА

1966 йилда чиқарилган 3% ДАВЛАТ ЗАЕМИНИНГ 24-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражнинг ҳар бир разрядида 512560 сўмлик 9400 та ютуқ ўйналади, шу жумладан: 5000, 2500, 1000, 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар бор.

3% заём облигациясини сотиб олинг.

ФРАНЦИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ПАРИЖ, 23 июнь (ТАСС). Кеча президент Жорж Помпиду Франция янги ҳукуматининг составини маъқуллади. Янги ҳукуматни тузган Жак Шабан-Дельмас шу ҳукуматнинг бош министри бўлиб қолди.

Янги ҳукуматдаги асосий министрликлар лавозимларини қуйидагилар эгаллайди. Мишель Дебре — миллий мудофаа билан шуғулланувчи давлат министри. Морис Шуман — ташқи ишлар министри. Жискар Д'Эстэн экономика ва молия министри. Оливье Гишар — миллий маориф министри. Жак Дюамель — қишлоқ хўжалик министри. Раймон Марселен — ички ишлар министри. Эдмон Мишель — маданият ишлари билан шуғулланувчи давлат министри.

СЭМ тога — Мен фақат бир чекканигагина ўтираман.

Кубада чиқадиган «Боэмиа» журналидан олинган карикатура.
(ТАСС фотохроникаси).

Америка монополияларининг Латин Америкаси мамлакатларидан олаётган катта фойдалари бу мамлакат халқларини баттар эксплуатацияга дучор қилмоқда.

(Газеталардан).

ҲАР ТЎҒРИДА

БАЛИҚ ВА МАГНИТОФОН

ДЕНГИЗЛАРДА сейсмик қидирув олиб борилганда жуда кўп балиқлар нобуд бўлиб кетади. Шу сабабли «хавфли жойдан» балиқларни ҳайдаш учун магнитофондан фойдаланилмоқда. Сейсмик қидирув олиб борладиган жойга йиртқич балиқларнинг товуши ёзилган магнитофон лентаси туширилади. «Товуш»ни эшитган балиқлар бу жойдан тез қочиб кетишади.

ХОНАКИ ЧУМОЛИЛАР

ЧЕРНИГОВ областидаги ўрмон хўжаликларида махсус «ферма»лар ташкил этилиб, чумолилар кўпайтирилмоқда. Олдиндан тайёрланган жойларга чумолининг «уя»лари кўчиртириб келтирилади. Дастлабки пайтларда чумолиларга шакар бериб туришади. Сўнг чумолилар шароитга кўникиб, ўрмондаги ҳашаротларни, қурт-қумурсқаларни қира бошлашади. Кейинги беш йил давомида Чернигов областидаги 1765 гектар ўрмонзорга хонаки чумолилар тарқатилди.

ШИШАДАГИ... ХАТЛАР

ҚАДИМ замонларда ҳалокатга учраётган денгизчилар мантуб ёки васиятномаларини шишаларга солиб, денгизга ташлаб кетганлар. Зонд орол лларининг аҳолиси эса денгиз тўлқинларидан хат ташишда фойдаланишади. Бир оролда турувчи инсон иккинчи бир оролдаги танишига мантуб йўлламоқчи бўлса хатни шишага солиб, оғзини беркитиб, тўлқинчалар оқимига қўйиб юборади. Орадан бир кун ўтар-ўтмас хат қўшни оролдаги эгасига бориб тегади. Чунки бу оролчаларда пароход бир ҳафтада фақат бир марта келиб кетади, холос.

ХАЛОСКОР... ТИМСОҲ

ЎТГАН йил Флоридада қаттиқ қурғоқчилик бўлди. Май ойи давомида бирор марта ҳам ёмғир ёғмади. Дарё ва сойларнинг қуриб қолган ўзанларида минг-минглаб балиқлар, тошбақалар, сув қушлари ҳам ҳўллаб нобуд бўлди. Шунда тимсоҳлар дарёларнинг чуқур жойларида кўлмачаларга қазиб, жуда кўп қушларни, ёнотларни, тошбақаларни ҳалокатдан сақлашди. Қуш ва тошбақалар тимсоҳлар қазиган чуқур кўлмачаларга кириб жон сақлаб қолишди.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального комитета компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ. «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331218. Халқаро ҳаёт — 337914. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Назоратчи — 334524. Стенографистка — 337843. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. 147. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633 Р. 01493.